

Ақийда дарслари (46-дарс). Қадар ва инсон амали



16:00 / 12.08.2019 6962

Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи қадар масаласида чуқур кетмас эдилар. У киши ўз сафдошлари ва шогирдларини ҳам бу масалада шундоқ эҳтиёт бўлишга чақирар эдилар. Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи иложи қолмагандагина бу масалада баҳс қилар эдилар.

Қадарий мазҳабидаги бир қавм Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг ҳузурларига келиб, қадар ҳақида муноҳаша бошлаганларида уларга қараб:

«Қадарга назар солувчи худди қуёшнинг ёғдусига назар солувчи каби эканини билмайсизларми?! У назарини қанча зиёда қилса, ҳайрати шунча зиёда бўлади», дедилар.

Аммо, шу билан бирга, мухолиф тараф бу масалада тортишувни истаб туриб олса, уларни мот қилар эдилар.

Бу масалада Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг фикрларини жамлаб ўрганиб чиқилгандан кейин қуйидаги хулосага келинади: у киши қазои қадар масаласида чегараланган миқдорда сўз юритар эдилар. Қадарнинг яхши-ёмони Аллоҳ таолодан эканига, У, зоти таолонинг илми, иродаси ва қудрати барча коинотларга шомил эканига **иймон** келтирар эдилар. Инсон барча ишларини ўз иродаси билан қилади. Унинг тоати ва исёни ўзига мансубдир. Уларни ўз ихтиёри ва иродаси билан қилади ва шунга биноан сўроққа тугилади ҳамда ҳисоб қилинади. Унга зарра миқдорича зулм қилинмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи ақоид илмида ҳам худди фикҳдаги каби катта илм соҳибларидан бўлганлар. Аммо фикҳга бўлган эҳтимомлари кўпроқ бўлган.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан